

**НАЗОРАТ ЎЛЧОВИ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ  
ШАРТНОМА № 1197/22**

Тошкент шаҳар

« 9 » 12 2022 йил

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети** (кейинги ўринларда “Буюртмачи”), номидан **Ректор А.К.Киргизбаев** бир томондан ва “**ГРОТЕКА С`ONSTRUCTION**” МЧЖ (кейинги ўринларда “Ижрочи”), номидан **Низом асосида Директор Д.Холмуратов** иккичи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

**1.1.** Ушбу Шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғига асосан ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**1.2.** Кўрсатиладиган хизмат номи: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 23А-уйда жойлашган ўқув биносини капитал таъмирлаш қиймати 5 881 677 797 сўм бўлган объектни назорат ўлчовидан ўтказиш.

**1.3.** Ижрочи ушбу шартнома бўйича бажарилган капитал таъмирлаш ишларининг назорат ўлчов ишларини (хизматлар кўрсатишни) қурилиш соҳасига оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари ҳамда “**ГРОТЕКА С`ONSTRUCTION**” МЧЖ нинг мутахассис ходимлари томонидан қурилиш (кайта таъмирлаш, таъмирлаш) объектларида бажарилган қурилиш-монтаж ишларини, монтажга топширилган ускуналарни назорат ўлчовидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом”га асосланган ҳолда амалга оширади.

**1.4.** Хизмат кўрсатиш муддати: **Буюртмачи** томонидан ушбу шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилган ҳамда мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган Рўйхатга асосан ҳужжатларни тақдим этган вақтдан 2022 йил «31» декабрга қадар. Ижрочи ушбу шартномада кўрсатилган хизматларни муддатидан олдин кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Ижрочиға боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳужжатларнинг тақдим этилиши кечиккан ҳолда, шартноманинг ижро этиш муддати 1 ойгача узайтирилиши мўмкин.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**2.1.** Ижрочининг мажбуриятлари:

**2.1.1.** Хизмат кўрсатишни лозим ва юқори профессионал даражада амалга ошириш.

**2.1.2.** Ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда хизмат кўрсатишни амалга ошириш лозим.

**2.1.3.** Хизмат кўрсатиш жараёнида хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатадиган даражада Ижрочи шартнома шартларидан четлашган бўлса Буюртмачининг талабига асосан 5 кун давомида аниқланган барча нуқсонларни бартараф этиш.

**2.1.4.** Хизматларни шахсан амалга ошириш, Буюртмачининг ёзма розилигисиз бошқа юридик шахсларни жалб этмаслик.

**2.1.5.** Назорат ўлчовлари натижалари бўйича Буюртмачига назорат ўлчовларига оид материалларни ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномасини ҳамда ҳисоб-фактурани ёзма равишда топшириш.

**2.2.** Ижрочининг ҳуқуқлари:

**2.2.1.** Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг мазкур шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхатга асосан ҳужжатларнинг ўз вақтида тақдим этилишини инobatга олиб хизмат кўрсатишни бошлаш.

**2.2.2.** Буюртмачидан белгиланган тартибда назорат ўлчовини ўтказиш учун мазкур шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхатга асосан зарур бўладиган тўлиқ ва аниқ ҳужжатларни талаб қилиш.

2.2.3. Ўз ишини мустақил ташкил этиш, назорат ўлчовини ўтказиш усулларини ҳамда мутахассислар таркибини танлаш.

2.2.4. Хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келадиган саволлар бўйича Буюртмачининг жавобгар шахсларидан тушунтиришлар олиш.

2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.3.1. Ушбу Шартноманинг 3-бўлимида кўрсатиб ўтилган тартибда хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3.2. Ижрочининг талабига асосан мазкур шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхат бўйича ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда ҳамда назорат ўлчовларини ўтказиш учун керакли бўлган муддатда тақдим этиш.

2.3.3. Ўз ходимлари ва пудратчилар вакилларининг иштирокини таъминлаш.

2.3.4. Ижрочидан Топшириш-қабул қилиш далолатномасини олган кундан эътиборан 5 кун давомида кўрсатилган хизматлар натижаларини қабул қилиб олиш.

2.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.4.1. Ижрочи томонидан амалга оширилаётган назорат ўлчовининг амалга оширилиши ва сифатини унинг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган пайтда текшириш.

2.4.2. Ижрочидан назорат ўлчови материалларини, ушбу Шартноманинг бажарилиши ва ижроси натижалари бўйича маълумотларни талаб қилиш ва олиш.

2.4.3. Объектда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчови амалга оширилиш жараёнида қатнашиш.

### 3. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Шартноманинг умумий баҳоси **26 467 550 (йигирма олти миллион тўрт юз олти миң етти миң беш юз эллик)** сўмни ташкил этади.

3.2. Буюртмачи томонлар ушбу Шартномани имзолаган кундан бошлаб 5 банк иш куни давомида шартнома умумий баҳосидан 30 % миқдорда **7 940 265 (етти миллион тўққиз юз қирқ миң икки юз олти миң беш)** сўм **00** тийинни. Ижрочининг ҳисоб рақамига олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 4. Хизматлар (ишлар)ни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Хизматлар кўрсатилгандан (назорат ўлчови бўйича ишлар бажарилгандан) сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар)ни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади.

Буюртмачи Ижрочидан олган санадан бошлаб 5 кун давомида кўрсатилган хизматлар натижаларини қабул қилиш ва топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш мажбуриятини олади.

4.2. Ижрочи хизмат кўрсатиш жараёнида хизмат кўрсатишни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки хизмат кўрсатишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини аниқлаган тақдирда бу ҳақда Буюртмачига хабар бериши ва зарурий чораларни кўриши лозим.

4.3. Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг хизматлар кўрсатилган ҳисобланади.

4.4. Ижрочи томонидан назорат ўлчови далолатномалари ҳамда тўлиқ расмийлаштирилган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактура тақдим этилганидан сўнг буюртмачи томонидан 100 % тўлов амалга оширилади.

### 5. Махфийлик

5.1. Томонлар ушбу шартноманинг мавжудлиги ва мазмуни, шунингдек ушбу шартнома доирасида томонларнинг ҳар бирига тақдим этилган ҳар қандай маълумотларни сир сақлаш мажбуриятини олади.

5.2. Томонлар ушбу шартноманинг томонларидан бирининг олдиндан берилган ёзма розилигисиз учинчи томонга факт ва маълумотларни умуман ёки қисман очмаслик ва ошкор этмаслик мажбуриятини олади.

5.3. Ушбу шарт бошқа шахслар томонидан олиниши мумкин бўлган маълумотларга тегишли эмас, Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўзда тутилган айрим ҳолатлар бундан мустасно.

## 6. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Ушбу шартнома имзоланганидан сўнг фавқулодда ҳолатлар (ёнғин, сув тошқини, zilзила, табиий офат ва шу каби) содир бўлиши оқибатида ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслигига мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажара олмаган томон содир бўлишини олдиндан кўра билиш ёки уларни олдини олиш имконияти йўқлиги туфайли (енгиб бўлмас ҳолатлар) жавобгар бўлмайди.

6.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келиши билан ушбу ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари ҳаракатда бўлган даврга мос равишда мажбуриятларни бажариш муддати узайтирилади.

6.3. Томонлар форс-мажор ҳолатлар бошланиши ва тугаши тўғрисида бир-бирларини зудлик билан ёзма равишда хабардор қилишлари лозим.

6.4. Форс-мажор содир бўлганлигини рўқач қиладиган томон тегишли давлат идорасидан ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишга мажбурдир.

6.5. Ушбу Шартномани ижро этишнинг имкони бўлмаган тақдирда олдиндан тўлов миқдоридан Ижрочининг ҳақиқатда қилган харажатлари миқдорига камайтирилгандан қолган қисми қайтариб берилади.

## 7. Томонларнинг жавобгарлиги

7.1. Ушбу Шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш муддатлари бузилган тақдирда Ижрочи мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун пеня тўлайди, лекин бунда тўланадиган пенянинг умумий миқдори мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 фоиз миқдоридан кўп бўлмаслиги лозим.

7.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда Буюртмачи Ижрочига муддати кечиктирилган тўлов миқдорининг 0.4 фоизи миқдорида ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди, лекин бунда пенянинг умумий миқдори муддати кечиктирилган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаслиги лозим.

7.3. Жарималарнинг тўлови томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

7.4. Ушбу шартномада кўрсатилмаган томонларнинг жавобгарлиги бўйича чоралар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига асосан қўлланилади.

## 8. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

8.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

8.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

8.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи ижрочи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

**8.4.** Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган дароматларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

**8.5.** Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини қўлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи ижроичилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: — коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; — улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; — уларни фақат тарафларнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; — уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

**8.6.** Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

**8.7.** Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## **9. Шартноманинг амал қилиш муддати ва унинг бекор қилиниши тартиби**

**9.1.** Ушбу шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022-йил «31» декабргача амал қилади.

**9.2.** Ижрочи Буюртмачи томонидан қуйидаги шартлар бажарилмаган тақдирда бўнак тўловларини қайтармаган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўлиқ ва керакли ҳажмда тақдим этмаганда;

- пудратчи ташкилотларнинг қатнашишларини таъминламаганда;

- буюртмачи томонидан Ижрочига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра хизмат кўрсатишни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатилганда.

**9.3.** Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ижрочи томонидан хизмат кўрсатишни бошлаш 15 кунга кечиктирилганда;

- Шартномада кўрсатилган муддатга нисбатан хизмат кўрсатишни тугатиш муддатининг Ижрочининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга узайтирилганда.

**9.4.** Ушбу шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонни 2 кун давомида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

### 10. Низоларни ҳал этиш тартиби

**10.1.** Ушбу Шартномани бажарилиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган низо ва тушунмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал этилади.

**10.2.** Низо ва тушунмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилмаган тақдирда томонлар низоларни бартараф этишнинг судгача бўлган барча чораларни кўргандан сўнг низолар иктисодий судида ҳал этилади.


### 11. Яқуний қондалар

**11.1.** Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда тузилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Ушбу Шартномага барча иловалар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

**11.2.** Томонлар ушбу шартнома бўйича кўзда тутилмаган барча ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан ҳаракат қиладилар.

**11.3.** Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха ҳам айнан ўхшаш ва бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида ушбу Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

### 11. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари


«Ижрочи»	«Буюртмачи»
<b>«ГРОТЕКА С'ONSTRUCTION» МЧЖ</b> Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Гулистон кўчаси, 8-уй. Банк реквизитлари: Х/р: 2020 8000 9008 7858 7001 АТБ «Даврбанк» М.Улдуғбек филиали МФО: 01072 СТИР:305527043 Телефон: 99-507-18-40	 <p><b>NIZOMIY NOMIDAGI TDPU</b> TOSHKENT SHAHAR, CHILONZOR TUMANI. BUNYODKOR KO'CHASI, 27-UY, TEL.: (71) 276-79-11; 276-76-51. <b>H/R: 234 020 003 001 0000 1010</b> XKKM MARKAZIY BANK BOSH BOSHQARMASI MFO: 00014 STIR: 201 354 108 OKONX: 92 110 ShH/R: 400 910 860 262 947 094 100 075 001 MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI STIR: 201 122 919</p>

Директор



Д.Холмуратов

Ректор



А.К.Киргизбаев

Зорист Миржонидов Ш.Б.

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг  
Давлат Хариди бўйича комиссиясининг йиғилиш  
БАЁННОМАСИ № 48**

Тошкент шаҳри

09.12.2022 йил

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ва университетнинг 2022 йил 27 июндаги № 207-U-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия таркиби:

Б.Собиров – Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор, комиссия раиси  
Б.Бўронов – Харидлар бўйича мутахассис, комиссия котиби

**Харид комиссияси аъзолари**

Х.Ирисметов – Бош Мухандис  
Б.Ахмедов – Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиғи  
Н.Палвонов – Бош бухгалтер  
М.Турсунова – Бош аудитр  
С.Доттоев – Рақамли таълим технологиялари маркази бошлиғи  
М.Ўрозов – Бош энергетик

**КУН ТАРТИБИ**

1. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетинг Давлат Хариди комиссиясининг 2022 йил 22 ноябрдаги Энг яхши таклифларни танлаб олиш №177203-сонли лот рақам бўйича Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Бунёдкор кўчаси 23А-уйда жойлашган ўқув биносини капитал таъмирлаш қиймати 5.881.677.797,00 (Беш миллиард саккиз юз саксон бир миллион олти юз етмиш етти минг етти юз тўқсон етти) сўм бўлган объектни назорат ўлчовидан ўтказиш хизмати бўйича баённомани муҳокама қилиш тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунининг 7-боб 62-моддаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 9 декабрдаги № 48-сонли баённомасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ**

1. Давлат харидларининг “Энг яхши таклифларни танлаб олиш” саҳифасининг электрон тизимига, муҳокама қилиш учун икки иш куни ичида, иштирокчилар томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 207-U-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия раиси ва комиссия аъзолари ИПОТЕКА-CONSTRUCTION MCHJ билан 26.467.550,00 (Йигирма олти миллион тўрт юз олти миш етти минг беш юз эллик) сўмга ҚҚС ичида шартнома тузишга қарор қилди.

3. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети комиссияси котиби (Б.Бўронов) муҳокама натижалари бўйича харид комиссиясининг тегишли мажлис баённома ва шартномасини имзоланган кундан бошлаб ўн иш куни ичиди Давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирсин.



1. \_\_\_\_\_ **Б.Собиров.**  
2. \_\_\_\_\_ **Х.Ирисметов**  
3. \_\_\_\_\_ **Н.Палвонов**  
4. \_\_\_\_\_ **С.Доттоев**  
5. \_\_\_\_\_ **М.Турсунова**  
6. \_\_\_\_\_ **М.Ўрозов**  
7. \_\_\_\_\_ **Б.Ахмедов**

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 177203 на приобретение Услуги проведения контрольного обмера выполненных строительно-ремонтных работ**

Способ проведения электронный

Дата 02.12.2022

Время рассмотрения 01.12.2022 19:46

Закупочная комиссия Ташкентский государственный педагогический университет, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SOBIROV BAXTIYOR BOYPULATOVICH	Проректор	Комиссия раиси
<b>Секретарь комиссии</b>	KUCHKAROV AKROMJON BAXRAMJONOVICH	Xarid bo'yicha mutaxassis	Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti
<b>Член комиссии</b>	DOTTOYEV SAYFULLA XAMIDULLAYEVICH	Ахборотлаштириш бўлими бошлиғи	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	IRISMETOV XIDOYAT EGANTAYEVICH	Бош инженер	Комиссия аъзоси
<b>Член комиссии</b>	PALVONOV NODIR BAXODIROVICH	Bosh hisobchi	TDPU
<b>Член комиссии</b>	O'ROZOV MAQSUD UBAYDULLA O'G'LI	Бош энергетик	Низомий номидаги педагогика университети
<b>Член комиссии</b>	TURSUNOVA MADINA ERKINOVNA	Bosh ayditor	Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV BOTIR UYGUNOVICH	Xo'jalik mudiri	Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 02.12.2022 года № лота 177203.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги проведения контрольного обмера выполненных строительно-ремонтных работ
Подробное описание	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 23А-уйда жойлашган ўқув биносини капитал таъмирлаш қиймати 5 881 677 797 сўм бўлган объекти буйича назорат ўлчовидан ўтказиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	29 408 389.00
Стартовая сумма	29 408 389.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йул қўймаслик буйича аризасининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ариза

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Г ПОТЕКА С ONSTRUCTION	10	1	10	Экспертная		
ООО BARAKA EZGU NIYATI	10	юкланди	10	Экспертная		
FUNDAMENT STROY MCHJ	10	ариза илова килинади	1	Экспертная		

Критерий №2 Банкдан картотека мавжуд эмаслиги хақида асл нусхада маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома (олинганига 10 кундан ошмаган бўлиши шарт)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Г ПОТЕКА С ONSTRUCTION	10	6	10	Экспертная		
ООО BARAKA EZGU NIYATI	10	юкланди	1	Экспертная		
FUNDAMENT STROY MCHJ	10	Банк томонидан берилган картотека К2 да турмаслиги тоғрисида маълумотнома	10	Экспертная		

Критерий №3 Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома (олинганига 10 кундан ошмаган бўлиши шарт)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Г ПОТЕКА С ONSTRUCTION	10	5	10	Экспертная		
ООО BARAKA EZGU NIYATI	10	юкланди	1	Экспертная		
FUNDAMENT STROY MCHJ	10	қарздорлиги йоклиги тоғрисида маълумотнома	10	Экспертная		

Критерий №4 Танлов объектига ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси



Тип: Текстовое значение

Описание: асословчи хужжатлар: танлов объектига ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси охириги икки йиллик рўйхати, ушбу қилинган ишларни тасдиқлаш учун қилинган шартномалар ёки счёт-фактуралар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Г'ПОТЕКА С'ONSTRUCTION	20	4	15	Экспертная		
ООО ВАРАКА ЕЗГУ НИЯТИ	20	юкланди	1	Экспертная		
FUNDAMENT STROY MCHJ	20	бажарилган ишлар руйхати илова килинади	20	Экспертная		

Критерий №5 Ишни ўрганиб чиқиш ҳамда жойини чиқиб кўрилганлиги ва ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати, жойига бориб ўрганганлиги тасдиқловчи хужжати, сифатига кафолат

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Г'ПОТЕКА С'ONSTRUCTION	20	3	20	Экспертная		
ООО ВАРАКА ЕЗГУ НИЯТИ	20	юкланди	5	Экспертная		
FUNDAMENT STROY MCHJ	20	кафолат хатлари илова килинади	15	Экспертная		

Критерий №6 Корхона тўғрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Юридик манзили, телефон рақамлари, гувоҳномаси, банк реквизитлари, корхона раҳбари тўғрисида маълумот, камида 3 йил давомида объектларида иш тажрибасига эга бўлиши

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Г'ПОТЕКА С'ONSTRUCTION	10	2	10	Экспертная		
ООО ВАРАКА ЕЗГУ НИЯТИ	10	юкланди	10	Экспертная		
FUNDAMENT STROY MCHJ	10	ташкilot хакидаги умумий маълумотлар илова килинади	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ГРОТЕКА С'ONSTRUCTION</b>	29 408 389.00	26 467 550.00 UZS	26 467 550.00	00.00	26 467 550.00	24.11.2022 02:07:37	13.42416
<b>FUNDAMENT STROY MCHJ</b>	29 408 389.00	17 765 234.00 UZS	17 765 234.00	00.00	17 765 234.00	24.11.2022 10:33:30	20

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ГРОТЕКА С'ONSTRUCTION</b>	75	13.42416	88.42416
<b>FUNDAMENT STROY MCHJ</b>	66	20	86
<b>ООО BARAKA EZGU NIYATI</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 177203 от 02.12.2022 года на приобретение Услуги проведения контрольного обмера выполненных строительно-ремонтных работ определила победителем:

**ГРОТЕКА С'ONSTRUCTION**  
305527043

и резервный исполнитель: **FUNDAMENT STROY MCHJ** (306590189)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SOBIROV BAXTIYOR BOYPULATOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DOTTOYEV SAYFULLA XAMIDULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	IRISMETOV XIDOYAT EGANTAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	PALVONOV NODIR BAXODIROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	O'ROZOV MAQSUD UBAYDULLA O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURSUNOVA MADINA ERKINOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП